

ҲАДИСЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН МАҚОЛЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Нурматова Мастура Маҳмудовна
Абраев Исматулла Муҳаммадиевич
Тошкент Давлат жаҳон тиллари
университети Ўқитувчи
араб тили ўқитувчиси**

LINGUISTIC FEATURES OF PROVERBS FORMED ON THE BASIS OF HADITHS

**Nurmatova Mastura Makhmudovna
Abraev Ismatulla Mukhammadovich
Uzbekistan state world languages university
Arabic teacher**

ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОСЛОВИЦ, СФОРМИРОВАННЫХ НА ОСНОВЕ ХАДИСОВ

**Нурматова Мастура Маҳмудовна
Ибраев Исматулла Муҳамедович
Ўзбекский государственный университет мировых языков
Преподаватель арабского языка**

Аннотация: Ушбу мақолада ҳадислар асосида шаклланган мақоллар ҳамда уларнинг моҳияти ақс этирилган. Мақолларда сўз қиммати алоҳида ёрқин ифодаланади. Чунки мақоллардаги сўзларни бошқаси билан алмаштириш, бирон сўз қўшиш мумкин эмас. Улар миллий тил таркибида қилинган ҳолда намоён бўлади.

Annotation: this article reflects Proverbs formed on the basis of hadiths, as well as their essence. In Proverbs, the value of the word is expressed separately brightly. Because it is impossible to replace words in Proverbs with another, to add any words. They appear molded in the composition of the national language.

Аннотация: В этой статье представлены пословицы, сформулированные на основе хадисов, а также их суть. В пословицах значение слова выражено особенно ярко. Потому что слова в пословицах нельзя заменять на другие, добавлять какие-то слова. Они проявляются в формировании структуры национального языка.

Калит сўзлар: Ҳадис ,Мақол, Имом Бухорий ,Қуръон, Қадимий ёзма манбалар, Баҳоуддин Нақшбанд

Ключевые слова: хадис ,пословица, Имама Бухари ,Коран, древние письменные источники, Бахауддин Накшбанд

Keywords: hadith,proverb,Imam Bukhari,Quran, ancient written sources, Bahauddin Naqshband

Оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, оила-аъзолари, асҳоблари ҳамда қиёматгача уларга яхшилик ила эргашган зотларга саловат ва саломлар бўлсин. Амма баъд:

Ҳозирги вақтда ҳаётимизнинг барча соҳалари, жумладан маънавий-маърифий жабҳаси ҳам инновацион ғоялар асосига қурилган янгиланишлар босқичидан ўтмоқда. Бунда соф табиат дини бўлган ислом маърифати ва маданияти, тарихи, илмий меросини ўрганиш, ислом тамаддуни ривожда мовароуннаҳрлик олимларнинг тутган ўрни ва уларнинг илмий қарашларини замонавий ракурсдан қайта тадқиқ этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси ва раҳбарлиги остида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази, Самарқандда Калом ва Ҳадис мактаблари, Фарғонада – Марғиновий илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода – Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда – Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабининг ташкил этилиши, Бухоро Мир Араб мадрасасига олий таълим муассаси мақомининг берилиши, Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ташкил қилиниши ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Биргина ислом фикҳи йўналишида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фарғона вилояти вакиллиги қошида очилган Ислом ҳуқуқи мактабида тингловчиларга Бурҳониддин Марғиновий ҳамда Ҳанафий мазҳабининг мўътабар фикҳий асарлари чуқур ўргатилмоқда, қолаверса, соҳага оид асарлар устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Диёримиздан етишиб чиққан фақиҳлар ва муфаккиҳларнинг дурдона асарлари ҳамда уларнинг илмий қийматини янги авлодларга етказиб бериш йўлида самарали тадқиқот ишлари бошлаб юборилган.

Ҳадис ислом фалсафасининг мантиқий давоми сифатида ўзининг моҳиятига кўра, инсонни ахлоқий етукликка, маънавий баркамолликка, руҳий ва жисмоний покликка чорловчи инсоний фазилатларни шакллантиради, глобаллашув жараёнида мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишга ёрдам беради. Ҳадисларнинг “ахлоқий кодекс” сифатида комил инсонни тарбиялашда, диний ақидапарастлик, жоҳиллик ва оммавий маданиятга қарши курашда муқаддас ислом динимиз, ҳамда ҳадислардаги илмга чорловчи ғоялар муҳим маънавий қуроли эканлиги алоҳида таъкидланади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам аввалда барча саҳобаларни ҳадисни ёзиб боришдан қайтарганлар. У зот: “Мендан ёзиб олманглар. Ким мендан Қуръондан бошқасини ёзиб олган бўлса, уни ўчирсин”, деб марҳамат қилганлар[1]. Сўнгра Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу каби баъзи саҳобаларга ҳадисни ёзишга изн берганлар. У киши шундай ривоят қилади: Мен ёдлаб олишимни учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган барча нарсани ёзиб олар эдим. Қурайш мени бундан қайтариб: Сен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган барча нарсани ёзиб олаверасанми? У зот ҳам инсон бўлсалар, ғазаб ва розилик ҳолатида гапирадилар, дейишди. Мен ёзиб юришдан ўзимни тийдим. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бу ҳақида айтдим. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам бармоқлари билан оғизларига ишора қилиб: Ёзавер, нафсим Унинг қўлида бўлган зотга қасамки бу ердан фақат ҳақ (сўз) чиқади, дедилар[2]. У кишининг саҳифаларининг исми “Содиқо” бўлган. Бунга сабаб – Аллоҳ билувчи – Пайғамбаримизнинг куйидаги хавфсирашлари бўлган:

Қуръондан баъзи нарсаларнинг зое бўлиб кетиши. Чунки ёзишни биладиганлар кам бўлган. Шу сабаб Абдуллоҳ ибн Амрни ҳадисни ёзиб бориш билан хослаганлар. Саҳоба розияллоҳу анҳумларнинг суннат сабабли Қуръондан чалғиб қолишлари. Шу сабаб Пайғамбаримиз уларга Қуръон улуғроқ эканини билдириб қўйганлар. Қуръон ёки унинг айрим сўзлари бўлсада бошқа нарсалар билан аралашиб кетиши. Бунга ёзиш воситаларининг озлиги сабаб бўлган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ томонидан бу нарсага хотиржам бўлгач, унга изн бердилар. Сўнг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча ёзиш истагида бўлганларга рухсат бердилар. Балки гоҳида ёзишга буюрдилар ҳам.

Мақол деб халқнинг ижтимоий-тарихий, ҳаётий-маиший тажрибаси умумлашган бадий, образли мулоҳазалардан иборат ҳикматли сўзларга айтилади. Мақол ўзбек тилида мақол, тожикларда зарбулмасал, русларда пословица, арабларда (жонли сўзлашувда) нақл, туркларда ата сўзи атамаси билан юритилади. Мақол атамаси арабча [قول] – қавлун – гапирмоқ, айтмоқ сўзидан олинган.

Мақолларда сўз қиммати алоҳида ёрқин ифодаланади. Чунки мақоллардаги сўзларни бошқаси билан алмаштириш, бирон сўз қўшиш мумкин эмас. Улар миллий тил таркибида қолиплашган ҳолда намоён бўлади. Бу жанр дунёдаги ҳамма халқлар оғзаки ижодида бор бўлиб, ҳажм, шакл, яратилиши мақсадига кўра муштарак ҳисобланади. Ҳатто номланишида ҳам яқинлик аниқ сезилади.

Жумладан, арабларда “қавлун” – гап, сўз маъносини ифодаласа, тожикларнинг “зарбулмасал” атамаларида мисол келтириш, руслар “пословица”сида сўзлар билан фикрни ифодалаш, турклардаги “ота сўзи”да эса аждодлар фикрини эслаш маъноси етакчи. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам “сав” атамаси оталар сўзини эслаш

тарзида келтирилган. Аҳмад Яссавий шеърида шундай келади: “Ал ҳаёю минал иймон” – Расул айтди”, яъни Ҳадисдан олинган парча: “Ҳаё иймондан нишонадур”, - дейилади. Аҳмад Югнакий “Ҳибату-л-ҳақойиқ” достонида “Вале кийсанг атлас, унутма бўзинг” мисрасини ёзади. Бу мисра “Бой бўлсанг, чориғингни унутма” ҳикматли сўзига мос келади. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғоти-т-турк” тадқиқотида дала сафарларида ёзиб олган 268 мақол матнини келтирган. Бу намуналар қаторида бироз ўзгариш билан яшаётган қуйидагиларни учратамиз: “Отуғ узгуч бирла ўчурмас” – Ўт аланга билан ўчирилмас; “Тоғ тоққа қавушмас, киши кишига қавушар” – “Тоғ тоғ билан учрашмас, одам одам билан учрашар”. Айни пайтда “Ўт теса, ағиз куймас” – ўт деган билан оғиз куймайди; “Тулки ўз инига урса, узуз ўлур” – тулки ўз инига қараб ҳурса, кўтир бўлади кабилар бугунги кунда унутилган. Улар ўрнига “Ҳолва деган билан оғиз чучимас”, “Ватанига тош отган ватангадо бўлади” деган мақоллар қўлланмоқда.

Ҳозирги кунимизда ишлатилаётган айрим мақоллар ҳадислар асосида шаккланган. Хусан, “...Ҳадислар ҳам мақолларнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида маълум даражада таъсир кўрсатган, аниқроғи, ҳадислар жонли сўзлашув жараёнида қайта ишланиб, янада ихчамлашиб, образлилик касб этган ҳолда хилма-хил мақоллар шаклида фаолроқ қўллана бошлаган. Масалан: Ҳазрати Ойша айтдилар: “Мен ўжар, бўйин бермайдиган тевага минган эдим, Расулуллоҳ уни урганимни кўриб: “Мулойим бўл, кимда мулойимлик бўлса, хусн ва камолотга эришади ва кимда мулойимлик хислати бўлмаса, у айбли ва нуқсонли бўлади”, – дедилар”. Мақоллар: Яхши гап билан илон инидан чиқади. Ёмон гап билан пичоқ кинидан чиқади. Жўяли гапга туя ҳам чўқади.

Ҳозирги кунимизда исломшунос ҳамда ҳадисшунос олимлар ушбу мавзу бўйича кўпгина илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати

1. Шайх Муҳаммад Аввоманинг қаламларига мансуб — Фақиҳ имомлар ихтилофида ҳадиси шарифнинг ўрни асари (Таржимон Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳилол нашр. – Т.: 2018).
2. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мусталаҳул ҳадис. – Т.: Шарқ, 2011
3. Абдул Мажид Жузажонийнинг — Муҳаддислар ва ҳанафий фуқаҳолар наздида ҳадис илмлари асари (Таржимон Муҳаммадраҳим Абдулқодиров Ҳилол нашр. – Т.: 2021).
4. Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий): тарих фанлари доктори... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002.